

3-20-2019

## REALITY AND ARTISTRY IN THE STORIES

Abduhamid Kholmurodov Doctor of Science, Professor  
*Navoiy State Pedagogical Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>



Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

---

### Recommended Citation

Kholmurodov, Abduhamid Doctor of Science, Professor (2019) "REALITY AND ARTISTRY IN THE STORIES," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 40.

DOI: 10.36078/987654321

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss1/40>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).



Абдуҳамид ХОЛМУРОДОВ

## ҚИССАЛАРДА ВОҶЕЛИК ВА БАДИИЙЛИК

Ҳар бир ижтимоий давр бадий адабиётда ўзининг умумлашган бадий инъикосини топади. Бундай вазифани адабиёт сафига муттасил кириб келадиган янги авлод ижодкорлари бажаради. Даврнинг бадий адабиётда акс этиши ҳеч қачон кўзгудагидек аниқ бўлмайди. Зеро, адабиётнинг ўз тили ва ўзига хос имкониятлари мавжудки, ушбу тил ва имкониятга суяниб, даврнинг бадий инъикоси яратилади. Бунда истеъдодли ёзувчилар ижоди алоҳида аҳамият касб этади. Адабиётда ўз услубига эга бўлган бу йўналишни изчил давом эттираётган адибларимиз ижоди алоҳида эътиборга лойиқ.

70-80-йилларда ўзбек адабиётида пайдо бўлган бир қанча қиссалар ижтимоий воқеалар асосига қурилган бўлса-да, катта адабиёт мезонларидан келиб чиқилган ҳолда, уларда давр ва унинг бадий инъикоси акс этган. XX асрнинг сўнгги чорагидаги ўзбек қиссачилигида ўз овозига, ўз услубига эга бўлган адиблар сафи анча кенг. Тоғай Мурод ана шундайлар сирасига киради. Ёзувчи замондошлари қалбида кечаётган кечинмаларни, туйғуларни китобхонга етказди.

Мақолада Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” ва “Момо ер қўшиғи” қиссаларида ёзувчининг услуби ва бадийяти таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** услуб, қисса, бадийлик, воқелик, сюжет, образ, тасвир предмети, миллий анъана.

Каждый социальный период находит свое общее отражение в художественной литературе. Эту задачу выполняет новое поколение творцов, которые входят в мир литературы. Отражение эпохи в художественной литературе никогда так очевидно, как в зеркале. Литература имеет свой собственный язык и свои уникальные возможности, основанные на потенциале этого языка, создавая художественное отражение эпохи. Творчество талантливых писателей имеет особое значение. Стоит отметить, что произведения наших писателей, продолжающие это направление, имеют свой стиль. Хотя ряд произведений, появившихся в узбекской литературе в 1970-х и начале 80-х годов, были основаны на общественных событиях, они отражают время в своем художественном воплощении. Последняя четверть 20-го века известна очень широким кругом писателей, которые имеют свой собственный голос и стиль. Тоғай Мурат является представителем этого сообщества. Писатель передает свои чувства в сердца читателей, в сердца своих современников. В статье анализируется стиль Тоғая Мурата в рассказах «Юлдузлар мангу ёнади» и «Момо ер қўшиғи».

**Ключевые слова:** стиль, композиция, искусство, голос, сюжет, образ, предмет, национальная традиция.

Each social period finds its overall presentation in fiction. This task is performed by a new generation of creators who enter the world of literature. The reflection of a period in fiction is never as obvious as a mirror. Literature has its own language and its own unique

Абдуҳамид Холмуродов – НавДШИ профессори, филология фанлари доктори.

capabilities, based on the potential of this language and the artistic reflection of the epoch being created. Creativity of the talented writers is of importance, in this regard. It should be noted that the works of our writers, continuing this, have their own specific tendency style. Although a number of works appeared in the Uzbek literature in the 1970s and early 1980s they were based on social events, they reflected the time in their artistic presentation. The end of the XX century is marked by appearance the wide range of the writers who have their own voice and style. Togay Murat is a representative of this community. The writer conveys his feelings to the hearts of the readers, to the souls of his contemporaries. The article analyzes the author's style in the stories "Yulduzlar mangu yonadi" and "Momo yer kushigi".

**Key words:** style, composition, art, voice, plot, image, subject, national tradition.

Бадий ижодда, шунингдек, ўзбек қиссачилигида ҳам ёзувчининг ўзига хос услуби жуда кўп муаммоларни қамраб олувчи теран маънога эга. Адабиётшунос Ў.Носиров бу ҳақда шундай ёзади: «Ёзувчининг ҳаётни образли ўзлаштириши, унинг оригинал бадий картинасини яратишда таланти, ижодий мустақиллиги, ўзига хослиги, ҳаётий факт ва ҳодисаларни, инсоний муносабатларни янгича талқин қилиши, «янги сўз» айтиш маҳорати, адабиётда ўз овози, ўз услубини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бадий ижод ҳар бир автордан ижодий мустақилликни, тасвир предметига субъектив муносабатни тақозо этади» [Носиров О., 1981; 73].

Кейинги йиллар ўзбек қиссачилигида Тоғай Муроднинг ўзига хос ўрни шундаки, у бадий тасвир ва воқеликни руҳий далиллаш йўлини теранлик билан ифодалайди. Қуйида биз унинг икки қиссасини таҳлилга олиб кирамиз.

Тоғай Мурод 70-йилларнинг ўрталарида янгича бир услуб билан адабиётга кириб келди. Дастлаб унинг қиссалари таниқли ёзувчилар, адабиётшунослар орасида турли баҳсларга сабаб бўлди. Ҳатто муаллиф ўтмишни идеаллаштираётган ёзувчи сифатида танқид қилинди. Лекин ёзувчи ҳалқимизнинг миллий анъаналари, урф-одатларини ўз асарларида севиб ифода этишдан қайтмади. Ёзувчи қатор қиссаларида ўз эътиқодига собит эканлигини исботлади.

«Давра» муаллифнинг мана шундай асарларидан саналади. Ушбу қисса миллий анъаналар қатағон этилган йилларда яратилди ва нашр этилди. Ёзувчи ўз асарининг дастлабки сатрларидаёқ тўйларга чорловчи ўзбек халқининг қадимий урф-одатларини олиб киради.

«— Одамлару одамлар, тоғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар! Бугун ҳа-а-амма Зулфиқор полвонниқига тўйга!»

Эгар қошига тўн солиб олган жарчи гузарма-гузар от ўйнатиб, Хўжасоат қишлоғи аҳлини тўйга чорлади. Хиёл ўтмай, тўй бекаси отда эшикма-эшик юриб, хонадонларни алоҳида-алоҳида айтиб чиқди. Хонадон бекалари, қуруқ кетманг, дея, эгар қошига тўн илдилар» [Мурод Т., 1994; 3].

Бу муқаддима ўзбек тўйларига хос қадимий урф-одатлар даврнинг бадий инъикоси билан уйғунлашган ҳолда жуда ихчам ва образли манзарада берилган. Аёллар турли таомлар билан, эркаклар ҳам тўйга тўёна билан кела бошлайдилар. Наби оқсоқол меҳмонларни ўзига хос тарзда тўйга чорлаб, йўл-йўриқлар бериб туради. Тасвирда болаларнинг сочқиларни териб олиши, турли

ўйин ўйнашлари ёрқин акс этган. Ёзувчи давр манзарасини китобхон кўз ўнгида гавдалантира олган.

Тўйхонада дошқозон осилиши, элга кўпқари ва курашли тўй берилиши оқсоқол томонидан эълон қилинади.

Ҳақиқатан юртнинг оқсоқолисиз тўй бўлмаслиги асар руҳига сингдириб юборилган.

Даврнинг бадийий инъикоси, халқ удумлари бирин-кетин тасвирга киритила бошланади. Даврадаги турли-туман халқ ўйинлари яшинмачоқ, гир, чанговуз базми ва бошқа ўйинлар тасвирланади.

Шундан сўнг полвонлар ўртасидаги кураш ва ғолиблар учун бериладиган совринлар ҳақида фикр юритилади. Бўри полвон курашда ҳалоллик бўлишини айтади. Қиссада бош ғоя кўзга ташланади. Бўри полвон билан Насим полвон саргузаштлари асар сюжетига кириб келади.

Ёзувчи асарнинг таъсир кучини ошириш мақсадида тасвирда сир сақлаш усулидан унумли фойдаланади.

*«Бўри полвон даврага кирди.*

*Ана, Максим полвон, Алимардон. Шоди, бу... Бўри полвон бейхтиёр тўхтади. Жуда таниш юзга кўзи тушди. Бу ким бўлди экан? Эслолмади. Ҳайрон бўлиб яна қаради. Бармоқлари билан кўзларини уқалаб тикилди. Ўша юзни аниқ кўрди. "Ё тавба, — деди пичирлаб, — Худди Насимга ўхшайди-я. Ё чини билан Насиммикин? Йўғ-э, у кўпқарида отдан йиқилиб бир кўзи ожиз бўп қолган, деб эшитиб эдим. Бунинг икки кўзиям... Тагин бир қарайин-чи!...»*

*Ҳа, бу Насим полвон эди!*

*Насим полвон даврага қараяптими ё узоқларга назар соляптими, билиб бўлмас, бошини тик тутганча кўзи ожизларга хос, шоирона ўтирибди.*

*Бўри полвоннинг кўнгли уюшиб кетди. Насим полвонга жуда-жуда раҳми келди. Қўлочини кенг очиб: «Насим ошна!» — демоқчи бўлди. Аммо кўнглининг туб-тубида яшириниб ётган нимадир... нимадир... бу истагини рад этди.*

*У бошини маъюс эгиб, бурилди. Бир қадам босиб елкаси оша яна қаради. Даврадаги овозларни эшитмай, одамларни деярли кўрмай қолди. Унинг кенг елкаларидан нимадир босар, нима бўлса ҳам жуда оғир, зилдай оғир эди. У мадори қуриб, кўзи тиниб, қур четига ўтирди. Ёнидаги одамга ўтирилди;*

*— Тўра оқсоқол, Насим полвоннинг кўзи...*

*— Бечора отдан ёмон йиқилган экан, зарбидан бу кўзиям оқиб тушибди»* [Мурод Т., 1994; 12].

Тасвир эътиборга лойиқ. Насим полвон тақдири эса ўқишга арзигулик саргузашт. Тасвирдаги бу моҳирона чизгилар қисса муаллифининг истеъдодидан далолат. Биз Насим полвон билан Бўри полвонларнинг болалик саргузаштларини ўқир эканмиз, уларда ҳаётнинг биз кўриб юрган ошкора томонлари — тухум уриштириш, пода боқиш сирлари болаликдаги дўстликнинг сеҳр тўла ташвишлари билан танишамиз. Бу жараёнда биз кўришга улгурмаган бадийий кашфийёт янги қаҳрамонлар, янги талқиннинг мавжудлигига дуч келамиз. Насим

ўсмирлик ёшидаёқ алдаб янашни мақсад қилган. У туфайли Момоқиз билан Бўрининг орасига ёлғон, сурбетлик аралашади.

*«Бояги тун. Чўпонлар гулхани Элас-элас қўшиқ...*

– *Айт айтгичингни, Насим, қизлар ёмон хаёлга боради.*

– *Момоқиз, Бўри сенга бир гап айтаман, деб юрибди.*

– *Биламан, айтолмаяпти.*

– *Момоқиз, у менга кўнглини ёрди, тайин айт, деди.*

– *Ўзимга айтишга уялган гапни сенга асло айтмас.*

– *Айтишга бет чидамайдиган гап-да, Момоқиз, айтайинми нима деди?*

*Момоқиз билан ўйнагим келаяпти... қўйнига кираман, деди.*

– *Ё пирим, чини билан шундай дедими?*

– *Алдасам, кўр бўлайин.*

– *Унда, Бўрининг бетига қарамаганим бўлсин. Бетини мурдашўй кўрсин!*

– *Тагин унга айтиб юрма, ошна деган отимиз бор» [Мурод Т., 1994; 21].*

Ўроққа чиққан қизлар. Хирмон ҳайдаётган йигитчалар. Ана шу даврнинг маънавий қиёфасини ёзувчи икки адабий қаҳрамон елкасига юклаётир. Шулардан бири Бўри – у диёнатли дўст ва севгида садоқатли инсон. Иккинчиси Насим – у алдоқчи, дўстига хиёнаткор, қасамхўр шахс.

Тасвирда бадий сўз кучининг мудроқ қалбга титроқ солиши, унинг китобхонни бефарқ қолдирмаслиги аён бўлади.

Сўз қудрати, сўзнинг қалбга оҳангдек қўйилиб келиши Тоғай Муроднинг ўзига хос услуби, яъни унинг бадий тасвир йўналиши деса бўлади.

Ёзувчи ўзининг бадий тасвирида қаҳрамонлар дунёсини ҳамда уларни руҳий-психологик жиҳатдан далиллаш орқали бадий манзара яратади. Асар қаҳрамони Бўрининг образида оддий халқ вакилига хос бўлган хислатларни кўрамыз.

Қиссада Бўри полвоннинг бадий образи яратилган. У тўғрисиёзлиги туфайли алдамчи Насимдан юз ўтиради. Тантлиги сабаб эл орасида ҳурмат қозонади. Ёзувчи Бўри полвон образини яратар экан, унинг китобхонга номаълум бўлган қирраларини очиб беради. Қиссада Бўри полвоннинг қўш ҳайдаш чоғидаги хиргойисини эслайлик. У ёлғиз қолган пайтда дардини жониворга айтади. Аслида эса ёзувчи муаллиф нутқи сифатида Бўри полвоннинг дунёсини очиб бериши мумкин эди. Бироқ Тоғай Мурод осон йўлдан бормайди. У ўзига хос йўл танлаб Бўри полвоннинг ҳам, Насим полвоннинг ҳам ички дунёсини кашф этади.

Регарда ўказилган катта бир тўйга бутун Сурхондан полвонлар боради. Худди ана шу тўйга Бўри полвон колхоз раисининг таклифига «тобим йўқ» деб жавоб беради.

Бу курашда Ўтан полвон бел олишиб Сурхоннинг манман деган полвонларини доғда қолдиради. Регарда ўтказилган бошқа бир даврада Ўтан полвоннинг елкасини Бўри полвон ерга тегизади. Мана шу воқеаларнинг тасвирида ёзувчи Бўри полвон образида даврнинг ва миллатнинг ўзига хос қирраларини бадий ифодалашга эришади.

Катта курашда Насим полвон кетма-кет икки полвонни йиқитади. Баковул Насим полвоннинг омадидан хурсанд бўлиб уни алқайди. Бу ҳолат Бўри полвонга таъсир қилади ва ғурури уни яна даврага чорлайди.

*«– Сизни ошнаси деб ўйлаб...*

*Бўри полвон – Бўри полвонлигини қилди. Азалдан полвон халқида сал... камроқ бўлади, деган гап бор. Йўқ, полвонларда кам эмас. Уларнинг вужудида ҳовур бор. Полвон – қони тез одам. Полвон кўпқарига боқилаётган от каби асов бўлади.*

*Бўри полвон белбоғини қўлига олиб, али-али одимлар отиб, даврани айлана берди.*

*Насим ҳам чиқиб, Бўри полвоннинг изидан юрди. Ҳалиги дабдаба қаёқда... Елкалар қисик, қадамлар омонат...*

*Зўрдан зўр чиқса оёғи типир-типир!*

*Бўри полвон унинг юзига қарамади. Даврада кимдир саросима билан қабатидагига деди:*

*– Икки ошна-я. Охир замон бўляптими дейман»[Мурод Т., 1994; 28].*

Бу тасвирда инсон руҳиятининг қанчалик мураккаблигини англаш қийин эмас. Яъни ёзувчи адабий образ яратишнинг ўзига хос йўлидан борган. Муаллиф Бўри полвон ва Насим адабий типидида контраст ҳаёт воқеаларини теран талқин этган. Қиссада бош қаҳрамон Бўри полвон образида ички монологдан унумли фойдаланган. Бинобарин, Бўри полвон халқ анъаналарининг умрбоқийлиги, маънавий меросимиз, урф-одатларининг абадийлиги ҳақида ўйлайди.

*«Биз полвонлик мактабидида ўқимадик. Полвонлик бизга ота мерос, пуштан-пуштга, қондан-қонга ўтиб келяпти. Полвонликнинг кўзга кўринмас, тил билан тушунтириб бўлмайдиган шундай сирлари борки, буни фақат томирида полвонлик қони борларгина билади. Биз биламиз! Бу сирлар ҳеч бир китобда йўқ. Мана, менинг ўзим Сурхон воҳасида мандан йиқилмаган полвоннинг ўзи йўқ. Ўша мактаб кўрган спорт мастерлариям яғринимдан ошиб кетган...»[Мурод Т., 1994; 33-34].*

Бу Бўри полвоннинг ўйлари эмас, балки ижодкорнинг ҳам қалбида кечаётган туйғулар силсиласи деб қараш мумкин. Давр ва тараққиёт жараёнидаги ҳаётнинг масалалар ёзувчининг қалб призмасидан ўтади.

Тасвирда ёзувчи полвонлар ҳаётини, уларнинг илми амалини чуқур ўрганганлиги намоён бўлади. Лекин ёзувчининг образли ифодаси бўлмаса, халқнинг турмуш тарзи бадиий ифодаланмаса, шубҳасиз, қисса урф-одатларнинг шунчаки баёни бўлиб қолаверарди.

Қиссада Тоғай Мурод халқнинг урф-одатлари, миллий қадриятларини ҳимоя қилишга отланган фидойи ёзувчи сифатида намоён бўлади.

Асарда жуда кўп курашлар тасвири берилган.

Қисса сўнгида Бўри полвоннинг ўғли Тилобердиннинг Насим полвоннинг ўғли Абрай полвондан йиқилган тасвири берилади. Абрай полвон ҳам руҳан, ҳам жисмонан фолиблик ғурурини туяди.

Қиссада Бўри полвоннинг ўй-хаёллари ниҳоятда таъсирчан усулда берилди.

Хусусан, Бўри полвоннинг болалик чоғларини эшлашда ҳам чуқур маъно бор. Ёзувчи бу хаёллар орқали Бўри полвоннинг руҳий оламини беғубор ички дунёсини теранроқ очиб беради. Кучли руҳий далиллаш йўли бу.

*«Насим ошна, кўзимга кўриниб, ярамни янгилдинг. Уёғи етмагандай, мана, ўғлимниям йиқитдинг!*

*Билиб қўй, ошна, изингдан сурганим-сурган. Қаерда давра бўлса, изингдан қувиб бораман. Тиловбердини ўғлинг билан уч сафаргача олиштираман. Борди-ю, уч мартасидаям ўғлинг ўктам келса, унда, на илож, учдан кейин пуч ...*

*Бари бир қўймайман! Ана, невараларим бор. Яхшилаб эшитиб ол, ошна, насиб бўлса, неварамни неваранг билан олиштираман! Ишончим комилки, неварам бобосининг орини олади!*

*Сен кўрмаяпсан, ошна, ой ботиб, юлдузлар бирин-кетин сўниб бораяпти. Ўғлим ўктамлигида юлдузлар ёнгани ёнган эди. Ўғлим мағлуб бўлгач, билмайман, сўнгани сўнган...»*[Мурод Т., 1994; 70].

Бу олинган парчада Сурхон воҳаси одамларининг ўзига хос тантилиги бадиий ифодасини топган. Маълумки, полвонлар азалдан ориятли бўлишади. Бунинг замирида полвонларга хос бўлган ғурур, айни пайтда нафсоният ҳам ётади. Чунки улар халқнинг кўз олдида улғайишади. Модомики, шундай экан, улар халқнинг назаридан қолишни, ўлим билан баробар кўришади. Шунинг учун ҳам Бўри полвон ўз юлдузининг мангу ёнишини жуда-жуда хоҳлайди.

Юлдузи сўнган одамнинг қадр-қиммати йўқолишини ҳам билади. Шу боис ҳам қисса сўнгида ориятли халқнинг юлдузи мангу порлаши Бўри полвон сиймосида очиб берилди. Асарда Бўри полвон тилидан берилган психологик нутқ характерида кўра диалогик моҳиятга эга. Унинг ҳар бир фикри, жумласида диалогик хусусият, Насим полвон фаолиятига нисбатан контраст мавжуд. Қиссадаги бундай хусусият рус олими М.Бахтиннинг «Ҳар қандай монотоник нутқ аслида диалогни ифода этади», – деган хулосасига ҳамоҳангдир [Бахтин М.М., 1963; 118].

Сўнгги йилларда яратган қиссаларида Тоғай Мурод даврнинг бадиий инъикосини яратишда ўзига хос йўлни танлади. Унинг қатор қиссаларида биз айнан шундай жараёни кузатамиз. Тоғай Мурод қаламга олган мавзулар миллий-маънавий қадриятлар билан уйғунлашиб кетганлиги учун ҳам аҳамиятлидир. Ёзувчи ҳур, озод қаҳрамонлар яратади ва уларнинг сиймоларида миллий ғурур билан ёниб яшаётган оддий инсонлар гавдалантирилди. Ёзувчининг «Кўшиқ» (1986) қиссаси фаройиб воқеаларни қамраб олади. Асар армиядан ўвилнинг қайтиб келиши тўғрисидаги хабардан бошланади. Хумор момо аскарликдан қайтган ўғли хабарини келтирганларга баҳоли қудрат суюнчилар улашди.

Ёзувчи халқимизнинг ўзига хос анъаналарини шундай тасвирлайди.

*«Ўғли остонада турганини кўрган момо, эндиги атайдигани охирги суюнчи эканини билган момо, уч йилдан буён ўғлини соғинавериб, юрак-бағри эзилиб юрган момо, йўқчилигиниям эрдан чиқариб қўйиб, қисир қолган молини атаб юборди:*

– *Анави молимни атадим, бор-э!* [Мурод Т., 1987; 72].

Бу билан ёзувчи миллий қадриятлар, юксак инсоний туйғулар нақадар улуглигини кўрсатади. Хумор момо образи ана шундай қадрият соҳиби бўлган сиймолардан бири. Ёзувчи бу образ орқали келажакка умид билан боқаётган фарзанди учун ҳеч нарсани аямайдиган ўзбек оналари тимсолини яратади. Асарда давр ёшларига хос баъзи бир иллатлар аскар ўвил образида умумлаштирилиб берилади.

«–*Мамаша, где... как эта, как... да-да, где папаша?*

*Хумор момо, бу нима деяпти, деган бўлиб, даврадагиларга жавдираб қаради. Русчани чала-чулпа тушунадиган жувозкаш тилмоч бўлди:*

– *Отасини сўраяпти шекилли, хола.*

– *Ҳа-а, отангми, отанг қирга арпа ўроққа кетиб эди, улим. Хабар етган бўлса ҳали-замон келиб қолади.*

*Аскар тушунарли, дегандай бош ирғади.*

*...Аскар эрталаб туриб, бадантарбия қилди. Белигача ялангоч бўлиб, ҳовлини айланиб чопди. Оёғини кўтариб, бебилчагини пешонасига теккизди. Кўлларини ерга тираб, ётиб турди:*

– *Раз-два-три, живо, сержант, Арзиқулов!*» [Мурод Т., 1987; 72-73].

Инсон – давр фарзанди. Сержант Арзиқулов ҳам ўша даврда туғилган. Ўша замоннинг тарбиясини олган. Шундан кейин ёзувчи сержант Арзиқуловни китобхонга яқиндан таништира бошлайди. Аскар икки йил давомида бутунлай ўзгарган. Маълум бир тарбиянинг таъсири остида қайтади. Қисса қаҳрамонининг бачкана қилиқларига китобхон ҳам кўника боради. Турмуш ҳақиқати сержант Арзиқулов образида типиклаштирилган ва бадий ифодасини топган.

Ўғлининг армиядан келганига хурсанд бўлган ота, кўнгил етарларини чорлаб тўй ўтказди. Ўғли эса ҳамон ўзга тилда чулдирайверди. Бу ҳол отасини ўзгалар олдида мулзам қилди.

*«Отаси у деди, бўлмади, бу деди бўлмади. Аскар гапни корламади. Отаси шу чиндан ҳам ўзимнинг ўғлимми, ё бошқа бировми, дегандай аскарнинг уёғидан қаради, буёғидан қаради. Аниқ бир гапга келолмади. Кейин шу ўзимнинг ўғлим экани ҳаққост чин бўлсин, ё, ёлгон бўлсин, дея кўлига қамчи олди. Аскар отасининг ниятини пайқади шекилли, юлқиниб чиқиб ҳовлини айланиб қочди.*

– *Вой энажон, ўлдим-э!..»* [Мурод Т., 1987; 74]. .

Бу билан ёзувчи ўзи қаламга олган даврдаги баъзи ёшларнинг маънавий қашшоқлигини, бир тарафдан содда-баёвлигини очиб беради. Бу асардаги аскар қиёфасида ўз аксини топади. Ота кечаги кўннинг ҳақиқатлари билан яшаётган образ, у иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, ўзининг фуқаролик бурчини адо этган. Лекин тилидан, динидан тонмаган.

Энди ёзувчи давр тасвирини янада чуқурлаштиради. Яқиндагина ҳарбий хизматдан қайтган, шоирликка даъвогар «истеъдод» пойтахтда.

*«Ижарасига келиб, эшикни ичкаридан қулфлади. Шейрларини чалқанча ётиб ўқиди, тик туриб ўқиди, ўтириб ўқиди.*

*Турсунқул ўзини катта шоир ҳис қилди.*



Расмдаги юзига, қулоқларини ёпиб турган сочларига тикилиб, ўзини XIX аср буюк шоирларига ўхшатди. Кейин яна айниди: «Улар соқол қўйган, трубка чеккан, Йўқ, ўхшамайди».

Дарҳақиқат, қадимги улуглар соқол қўйган, тамаки чеккан. Нимага энди Турсунқул соқол қўйиб, тамаки чекмас экан? Ҳамма соқолини олиб, сигарета чекиб юради. Йўқ оддий халқдан фарқ қилиш керак...

Турсунқул газетадаги исм-фамилиясига, бот-бот тикилди. Пичирлаб ўқиди: Турсунқул Орзиқулов! Пешонаси тиришиб, энсаси қотди. Бунча узун! Исми фамилия, деганиям шунча узун бўладими!. Яна тагин жарангламайди! Умуман, шоирнинг исми шарифига ўхшамайди! Шоирнинг номи жаранглаб, ялтираб турса! Ўзи, исмининг маъноси нима? «Турсунқул! Турсун, ўтирсин, ётсин... Шуям гап бўлди-ю. Яна тагин «қул», деган қўшимчасиям бор. Қул дегани «раб», дегани. Орзиқулов! Бундаям қул! Ота-бобосиям оғзига келганини исм деб қўяверган экан-да. Провинциальный! Этнография!».

Турсунқул ўз исми, қолаверса, ота-бобосининг исми шарифидан орияти келди! Ота-бобосининг номидан уялди. Ўзига муносиброқ, шоирона ном топишни ўйлади. Неча ўйлаб номлар, тахаллуслар топди. Ўзига ёқмади. Охири тарихдан келиб чиқиб, ўзини Паҳлавон Даҳо деб, атади»[Мурод Т., 1987; 79-80].

Шундан сўнг, қиссада гуё янги бир образ пайдо бўлади. Бу образ тарихдан, кимсаларнинг қиёфасидан нусха кўчирган сунъий шоир сержант Орзиқулов қиссада Паҳлавон Даҳога айланар экан, у ўзининг аввалги табиий жозибасидан бирмунча айрилгандек туюлади. Шунинг учун ҳам кўпчилик китобхонлар Паҳлавон Даҳони эмас, сержант Орзиқуловни севиб қолишди. Оқсоқол адиб Саид Аҳмад бу образни Тоғай Муроднинг жиддий кашфиёти сифатида баҳолагани ҳам бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган асрнинг, 70–80-йилларида маънавий таназул чуқурлашиб кетади. Ёшлар ҳаётида Фарбга тақлид қилиш, ундан андоза олиш кайфияти кучайди.

Тоғай Мурод мана шундай ҳолатни теран англади.

Ана шундай англаш жараёнида "Қўшиқ" қиссасини яратди.

«Даҳо қулфга тикилиб қолди. Қаёқдандир идора қоровули келди. Энтикиб нафас олиб, Даҳонинг юзига энгашиб қаради.

– Э-ҳа, сизмисиз, шоир ука. Мен, кутубхонага бирор маст-аласт ўғирликка келдим деб ўйлаб, чошиб келибман.

– Оғзингизга қараб гапиринг.

– Гапнинг тўғриси-да, ука, одамнинг кўнглига нималар келмайди дейсиз.

Кутубхона остонасига ойлаб, инсон зоти қадам қўймай-қўймай, бирдан одам пайдо бўлиб қолса қизиқ-да

– Кутубхоначи борми?

– Ҳа, бор. Кутубхоначи анави Самиевнинг келини бўлади. Ҳозир ўтоқда.

– Келадими?

– Энди, уёғини билмадим, шоир ука. Ҳозир ўтоқ, ундан кейин узум узиш, кейин ҳаммани пахтага ҳайдайди, қарабсизки, шу билан қиш ҳам келади. Қишда ҳафтада бир, очса очади, очмаса йўқ. Нима, бирон зарил иш бормиди?

*Шундай, янги газета-журналларга бир қарасам деб эдим. Янги китоблар бўлса, уйга олмоқчи эдим...*» [Мурод Т., 1987; 81-82].

Ёзувчи бу билан давр жароҳатларини бадиий тасвирга кўчирган. Қишлоқдаги кутубхоналарнинг аянчли аҳволи, уларга ўқувчиларнинг кирмаслиги маънавий даража билан боғланади. Қишлоқдаги кундалик, ташвишли турмуш одамларнинг маънавий даражасига, турмуш тарзига ҳам таъсир кўрсатади.

Қиш ойларидан ташқари барча ойларда қишлоқ хўжалиги ишларининг болаларга юклаб қўйилиши давр фожиаси эди.

Ўша йиллардаги ҳаёт даражаси халқни шундай яшашга кўниктиради. Бу манзарага ёзувчи қахрамон Даҳо нигоҳи билан қарамайди. Аксинча, ўша йилларнинг фожеасини кузатган, кўрган инсон сифатида тасвирлайди. Ёзувчи асарда ўша давр қишлоқларидаги ҳаётнинг фэйзсиз манзарасини беради. Пахта деб яшаётган одамларнинг кутубхонага боришига вақти бўлмайди. Худди шундай онда-сонда бўладиган киноларга тушишга ҳам вақт тополмайди. Қиссада улғайиш балогатга етган ёш йигитларнинг ўзига хос дунёси ҳам очиб берилди. Ҳатто, қишлоқларда подачи топиш ҳам амримаҳол бўлиб қолади. Қишлоқ одамлари бу ҳолатни кўриб турса-да, уларнинг бирортаси подачи бўлишга розилик бермайди.

Қисса яратилган пайтлари ёшларнинг шаҳарга интилишлари кучайиб бораётган бир давр эди. Ёзувчи бу ҳақиқатни ўз асарида ижтимоий иллат сифатида қораламайди. Аксинча, ёшлар онгидаги бундай ўзгаришларни давр талаби деб таъкидлайди.

Паҳлавон Даҳо ҳам мана шундай ҳаётга ҳавойилик билан қарай бошлайди. Шаҳар ҳаётида бу ердаги тенгдош дўстлари Паҳлавон Даҳони гўё шундай «ҳақиқат»га ишонтиради. Шундан кейин Паҳлавон Даҳо табиатида кибрли, манманлик каби иллатлар пайдо бўлади. У ўзини ҳаммадан юқори қўяди. Адабиётда ҳам ўзини танҳо деган хомхаёлда юради.

Биз қиссада Паҳлавон Даҳо образи орқали оёғи ердан узилган кимсанинг фожеали қисматига дуч келамиз. Паҳлавон Даҳо характеридаги иллатлар турли психологик ҳолатлар таҳлили орқали ёритилганига гувоҳ бўламиз. Бу табиий ҳол эди. Лоқайд жамиятдаги мавжуд иллатлар Паҳлавон Даҳони шундай куйга солди. Қолаверса, ўз табиатидаги лоқайдлик оқибатида у боши берк кўчага кириб қолди. Паҳлавон Даҳо атрофидагилар унинг гапларини маъқуллашдан, алқашдан бошқа гап айтмадилар. Шу боис ҳам Паҳлавон Даҳо «даҳолик» сари ўзини шундай «тарбиялаб» борди. Бу эса уни оғир қисматга дучор қилди, натижада ҳаёт ҳақиқатидан узилиб қолди.

Ёшлар ҳаётида рўй бераётган жиддий ўзгаришлар ўзбек қиссачилигида етакчи мавзулардан бирига айлана борди.

XX асрнинг 70-80-йилларда яратилган бир қанча роман ва қиссалар ҳукмрон мафкура қолипларига сифмагани, яъни улар давр ва унинг бадиий инъикоси акс эттирилгани боис халқ қалбидан жой ола билди. Бугунги кунда ана

шу асарлар таҳлиliga қайтиб, уларда жуда катта журъат билан кўтарилган ижтимоий, фалсафий, эстетик муаммоларга эътибор қаратиш нафақат яқин ўтмишимиздаги мустамлака даври ҳаётни қайта кузатиш имконини беради, шунингдек, бу асарларнинг эстетик қиммати, уларда давр руҳи, унинг бадий инъикоси қай даражада акс этгани тўғрисида аниқ хулосалар чиқаришга имкон яратади. Бугунги кунда адабиётимизнинг яқин тарихига айланган 70-80-йиллар қиссачилигидаги ютуқлар айни пайтда ўзбек насрининг ривожини таъминлаётган омиллардан бири ҳамдир.

Албатта, муайян асарга баҳо беришда ёки бирор-бир ёзувчи ижоди, дунёқараш ҳақида мулоҳаза юритганда «адабиёт ва жамият», «ёзувчи ва ижтимоий ҳаёт» масалаларини назарда тутиш лозим. Айни масалалар жаҳон адабиётшунослигининг етакчи назарий муаммоларидан саналади. Адабиёт назариясига доир манбаларда адабиётнинг ижтимоий функцияси, ёзувчининг жамият олдигаги бурчи инкор этилмайди. Модомики, ёзувчи жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ҳақиқатни ифодалар экан, у ўз ижодий фаолиятида тарихий ва ижтимоий муаммоларни ҳам қамраб олади, деган қараш кўп такрорланади.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Baxtin M.M. Problema poetiki Dostoyevskogo. – M., 1963.
2. Nosirov O. Badiiy uslub mavzuidan talqinlar // Ijodkor shaxs, badiiy uslub, avtor obrazi. Toshkent: «Fan» nashriyoti, 1981.
3. Tog'ay Murod. Qo'shiq. – Toshkent: F.Fulom nomidagi «Adabiyot va san'at» nashriyoti, 1987.
4. Tog'ay Murod. Ot kishnagan oqshom. Qissalar to'plami. Yulduzlar mangu yonadi. – Toshkent: «Sharq» nashriyot-matbaa konserni Bosh tahririyati, 1994.